

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Набиев Ғайрат Шухрат ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
криминалистика ва суд экспертизалари кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда суд экспертизаси институтининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи таҳлил қилинади. Экспертлик институтининг тарихий илдизларига назар ташланиб, қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган ривожланиш босқичлари ёритилади. Ўзбекистонда суд экспертизасининг амалдаги қонунчилиги, экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертиза турлари ва уларни ўтказиш тартиби таҳлил қилинади. Шунингдек, экспертлик фаолиятида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: суд экспертизаси, эксперт, жиноят процесси, далиллар, ҳуқуқий мақом, тарихий таҳлил, қонунчилик, истиқболлар ИИБ, Адлия.

Аннотация: В статье анализируется история становления и развития института судебной экспертизы в Узбекистане. Рассматриваются исторические корни института экспертизы, освещаются этапы его развития с древнейших времен до наших дней. Анализируется действующее законодательство Узбекистана о судебной экспертизе, права и обязанности экспертов, виды экспертиз и порядок их проведения. Также рассматриваются проблемы, существующие в экспертной деятельности, и пути их решения.

Ключевые слова: судебная экспертиза, эксперт, уголовный процесс, доказательства, правовой статус, исторический анализ, законодательство, перспективы, МВД, Министерство юстиции.

Annotation: The article analyzes the history of the formation and development of the forensic examination institution in Uzbekistan. The historical roots of the institution of expertise are considered, the stages of its development from ancient times to the present day are highlighted. The current legislation of Uzbekistan on forensic examination, the rights and obligations of experts, types of examinations and the procedure for their conduct are analyzed. The problems existing in expert activity and ways to solve them are also considered.

Keywords: forensic examination, expert, criminal process, evidence, legal status, historical analysis, legislation, prospects, Ministry of Internal Affairs, Ministry of Justice.

Жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва адолатли судловни амалга оширишда суд экспертизаси институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Суд экспертизаси ўзининг махсус билимлари ва замонавий технологиялари билан жиноятларни очиш, айбдорларни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам суд экспертизаси институти жадал ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда суд экспертизаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, экспертларнинг малакаси оширилди, моддий-техник база ривожлантирилди ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилди.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда суд экспертизаси институтининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертиза турлари ва уларни ўтказиш тартиби таҳлил қилинади. Шунингдек, экспертлик фаолиятида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилади. Мақоланинг асосий мақсади - Ўзбекистонда суд экспертизаси институтининг ривожланиш тенденцияларини очиқ бериш ва унинг истиқболларини баҳолашдан иборат.

Эксперт тушунчаси узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган ва унинг жиноятларни очишдаги аҳамияти қадимдан эътиборга лойиқ бўлиб келган. Эксперт хизматидан фойдаланиш жиноят ишларини очишда муҳим далил манбаи сифатида қаралган ва вақт ўтиши билан унинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ҳамда амалиёти ўзгариб, такомиллашиб борган.

Экспертлик институтининг ривожланишини ва жиноят процессуал фаолиятида улардан фойдаланиш тарихини қуйидаги уч асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Экспертлик институтининг юзага келиш тарихи.

2. Мустақилликкача бўлган даврда экспертлик институтининг ривожланиши.

3. Мустақиллик йилларида экспертлик институтининг тараққий этиши

Биринчи босқичда экспертлик институти турли соҳалардаги мутахассисларнинг жиноят ишларини тадқиқ қилишда қатнашиши орқали тадрижий ривожланиб борган. Илк даврларда махсус билимларга эга бўлган шахслар жиноятни ёритишда ёрдам беришган. Турли соҳалардаги мутахассислар, жумладан, тиббиётчилар, ҳунармандлар, табиий фанлар олимлари ва бошқалар “эксперт” сифатида иштирок этишган. Улар жиноят ишларини аниқлаш ва тадқиқ қилишда катта ҳисса қўшган, аммо расмий ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган.

Мисол учун Ҳиндистоннинг энг қадимги ёзма манбаларидан бири – "Ману қонунлари"да махсус билимлардан фойдаланиш илк бор тасвирланган. Унга кўра, биринчи махсус билимларга эга бўлган шахслар овчилар бўлиб, йўқолган ҳайвонлар ва одамларни уларнинг излари бўйича қидириш билан шуғулланганлар¹. Ганс Гросс Ҳиндистонда жиноятчиларни қидириш билан шуғулланувчи махсус тоифа (каста) — “хояхах”лар мавжудлиги ҳақида маълумот берган. Шунингдек, Ҳиндистон ва Хитойда жиноятчиларни аниқлашда айбдорлик ёки бегуноҳликни аниқлаш усуллари сифатида оғиз сюлагини текширишдан фойдаланилган. Масалан, гумон қилинувчига қуруқ гуруч солиниб, уни қайтариб туфлаш талаб қилинган. Агар гумон қилинувчи ёлғон гапирса, унинг оғзи қуриб, гуручни туфлашга қийналган.

Мамлакатимиз ҳудудидаги илк тарихий манбалардан бири "Авесто"нинг ҳуқуқий масалаларга бағишланган манбаларда, даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш ордалиялар (суд, ҳукм) орқали текширилганлиги кўрсатилади. Бу жараёнда махсус билимларга эга бўлган шахслар инсоннинг айби бор ёки йўқлигини баҳолаган. Ушбу даврда исботлаш асосан синаш (суб, ёки ўт билан) ёки қасам ичиш орқали амалга оширилган.

Ислом ҳуқуқи кенг тарқалган кейинги даврда эса, Ўрта Осиёда жиноят ишлари шариат қоидаларига мувофиқ ҳал қилинган. Исботлашда асосий эътибор гувоҳлик кўрсатмаларига, айбни тан олишга ёки қасам ичишга қаратилган. Ушбу даврда ҳам махсус билимлардан фойдаланиш амалиёти мавжуд бўлиб, мураккаб ҳолатларни ҳал қилишда экспертлар иштирок этган.²

XVII асрдан бошлаб жиноят ишини тергов қилиш жараёнида шифокорларнинг инсоннинг руҳий ҳолатини баҳолашдаги хизматлари фаол қўлланила бошлади. Шунингдек, турли ашёларнинг заҳарлилик даражасини аниқлаш учун доришунослар ҳам жалб этилган. XIX асрга келиб, шифокорлар муайян ишларда мутахассис сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлгани қонунлар орқали мустаҳкамланган.

Шу даврдан бошлаб дунё миқёсида графологлар ҳам пайдо бўлди, улар инсоннинг ёзиш тарзи орқали унинг характерини аниқлашнинг янги усуллари яратишди. Инсон танаси билан ҳуснихати ўртасидаги мантикий алоқани ўрганиш тамойиллари Бринский томонидан ривожлантирилди. Суд-ҳатшунослик текширувнинг ривожланиш чўққиси эса XX асрнинг 70-80-

¹ Законы Ману, глава VII. Интернет манзили: http://ru.wikipedia.org/wiki/Преступления_и_наказания

² Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. 2020 й.-Тошкент, ТДЮУ. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 6-7.

йилларига тўғри келиб, бу даврда хуснихат орқали шахсининг жинси, ёши ва касбий малакалари каби хусусиятларни аниқлаш имкониятлари яратилган³.

Чор Россияси ҳукмронлиги Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилгач, жиноят процессида экспертиза институти билан боғлиқ нормаларнинг шаклланиши бошланди. 1864 йилда қабул қилинган "Жиноят ишлари бўйича суд иш юритуви тўғрисидаги Низом"да "билимдон шахс" ва "мутахассис" тушунчалари ишлатилиб, уларнинг фаолияти қонун доирасида аниқланди.

1926 йилда қабул қилинган ЎзССР Жиноят-процессуал кодекси жиноят-тергов тизимини янги босқичга олиб чиқди. Бу кодекс жами 6 бўлим, 32 боб ва 455 моддадан иборат бўлиб, унда экспертлик фаолияти билан боғлиқ моддалар ҳам назарда тутилган. Кодекснинг учинчи боби "Далилларни тўплаш" деб номланган бўлиб, унда экспертиза далилларни тўплаш усули сифатида кўриб чиқилган. 22-моддада эксперт хулосалари далиллар сифатида алоҳида таъкидланган, 23-моддага кўра эса, гувоҳлар ва экспертлар жиноят содир этилган жойда сўроқ қилиниши мумкинлиги белгиланган⁴.

Амалдаги қонунчиликдан фарқли равишда, мазкур кодексда хўжалик жиноятларини тергов қилишдаги етукликни таъминлаш учун (28-моддада), энг мураккаб ишлар бўйича эксперт жалб қилиш прокурор розилиги билан амалга оширилиши зарурлиги қайд этилган.

Бироқ, мазкур кодексда махсус билимларга эга мутахассисларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига оид аниқ қоидалар мавжуд эмас эди. Бу эса, махсус билимлардан фойдаланишнинг тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли, мазкур босқичда экспертлардан самарали фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келган.

1959 йилда қабул қилинган СССР Жиноят-процессуал кодекси экспертлик институтини ҳуқуқий тартибга солишни мукамал баён этди. Кодексда терговчи, суриштирувчи, прокурор ва суднинг далилларни тўплаш ва экспертизани ташкил этиш ваколатлари белгиланди. 65-моддага кўра, эксперт ҳар қандай илмий, техник ёки махсус масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб этилиши мумкин. Ҳарчанд эксперт тушунчаси аниқ таърифланмаган бўлса-да, эксперт хулосасига алоҳида аҳамият берилган.

1959 йилги Жиноят-процессуал кодексида экспертизага оид қоидалар тўлиқ баён этилмаган бўлса-да, бир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратилган. Кодекснинг 67-моддасига кўра, экспертиза ўтказилиши мажбурий бўлган

³ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. 2020 й.-Тошкент, ТДЮУ. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 6-7.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Ташкент: Госюрисдат, 1929. – С. 9-12.

ҳолатлар, жумладан, ўлим сабаби, шикаст тавсифи, айбланувчининг руҳий ҳолати, шахсининг ёшини аниқлаш каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. 68-модда экспертиза тайинлаш тартибига бағишланган бўлиб, суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи экспертни мустақил тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. 69-моддада эса экспертни рад этиш асослари қайд этилган бўлиб, у манфаатдор томон сифатида иштирок этган, ишда бетарафлигини таъминлай олмаган ёки хулоса беришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда рад этилиши мумкинлиги белгиланган⁵.

70-модда экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Экспертдан берилган саволларга холис ва ишончли хулоса бериш талаб этилган. Дастлабки тергов босқичида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш 143-моддада баён қилинган бўлиб, терговчи қарорда экспертиза масалалари ва тадқиқот объектларини аниқ кўрсатиши кераклиги таъкидланган. 144-модда айбланувчининг экспертизага муносабат билдириш, экспертни рад этиш, қўшимча саволлар бериш ҳуқуқларини белгилайди.

Экспертиза муассасаларида ва муассасадан ташқарида экспертиза ўтказиш тартиби 145 ва 146-моддаларда ёритилган. 147-моддада эксперт хулосасига қўйилган талаблар ва унинг шакли баён қилинган. 148-моддада хулосани айбланувчига тақдим этиш ва унинг хулосага муносабат билдириш ҳуқуқи қайд этилган. 149-модда эса, тиббий кузатув ёки даволаш талаб қилинганда, айбланувчини тиббий муассасага жойлаштириш тартибини тушунтиради.

Шунингдек, кодексда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шартлари, мажбурият чегаралари, хулоса беришнинг иложи бўлмаган ҳолатлар каби масалалар тўлиқ қамраб олинмаган. Кодексда эксперт ва гувоҳнинг мақоми бир хилда кўрсатилган, бу эса уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ фарқлантиришни қийинлаштирган.

Амалиёт доирасида криминалистика муассасалари Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси даврида шаклланган. Ўша пайтда фақат Халқ Соғлиқни Сақлаш Комиссариати тизимида бир нечта суд-тиббий экспертлари фаолият кўрсатган бўлса, Ички Ишлар Халқ Комиссариатининг Регистрация ва Дактилоскопия Бюросида фақат битта криминалист-эксперт ишлаган. Уларнинг амалий фаолиятида улар Октябрь инқилобидан олдин Е.Ф. Буринский, Н.С. Бокариус ва бошқа илғор криминалист олимлар ва суд-тиббийчилар томонидан ишлаб чиқилган усуллар ва чекланган илмий-техник воситалардан фойдаланганлар.

1929 йилда Тошкентдаги Ички ишлар халқ комиссариатининг (ИИХК) оператив бўлими ҳузурида илмий-техника экспертлар гуруҳи ташкил этилган. Бу

⁵ Хусанов М., Жўраев Х. Жиноят процессининг иштирокчилари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 106-107.

гуруҳ 1932 йилда илмий-техника бўлимига айлантирилган бўлиб, унинг биринчи раҳбари Н.Д. Назаров бўлган. Ушбу тарихий маълумотлардан келиб чиқадики, Ўзбекистонда биринчи эксперт-криминалистика хизмати ва криминалистика муассасаларининг пайдо бўлиши ИИХК—ИИБ тизими билан боғлиқдир.

1948 йилда мазкур бўлим негизида мустақил илмий-техника бўлими ташкил этилди. Мустақил бўлим ташкил этилгандан сўнг, республика Ички ишлар вазирлигида криминалистика ишлари кенгайди. Вилоят милиция бошқармаларида криминалистика муассасалари ва илмий-техника гуруҳлари ташкил этилди.

Ички ишлар органлари тизимидаги эксперт-криминалистика хизматининг фаолиятининг ўзига хослиги жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилиш учун илмий-техника воситалари ва усуллари таъминлашдан иборат. Бу эса жиноят ва бошқа ишлар бўйича унинг лабораториясига тақдим этиладиган ашёвий далилларни аниқлаш, олиб қўйиш ва объектив текшириш имконини беради.

1950 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини 1951 йил 1 июнда бошлади. Дастлабки даврда лабораторияда фақат криминалистик ва айрим ҳужжатларни криминалистик-техник экспертизалари ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1958 йил 24 январдаги 35-сонли қарорига мувофиқ, Ҳ. Сулаймоновнинг ташаббуси билан ушбу лаборатория негизида институт ташкил этилган ва у ўз фаолиятини 1958 йил 1 апрелдан бошлади.

Мустақиллик йилларида жиноят-процессуал қонунчилигида экспертлик институти сезиларли даражада тараққий этди. Жумладан, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси МДҲ мамлакатлари орасида илк бор Жиноят-процессуал кодексини қабул қилди. Бу ҳужжат суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тизимида катта аҳамият касб этди. Унда экспертизага оид муносабатлар анча кенг ва батафсил тарзда тартибга солинди.

Мазкур кодексда биринчи марта эксперт тушунчасининг аниқ таърифи берилди ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил ёритилди. Шунингдек, эксперт этиб тайинланиши мумкин бўлган шахслар, экспертиза объектлари, комиссиявий ва комплекс экспертизалар турлари ҳақида алоҳида моддалар киритилди. Суд жараёнида экспертизани ўтказишга бағишланган нормалар такомиллаштирилди, мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилди ва ушбу нормалар мантқан тизимли равишда тузилди.

Шундай қилиб, янги кодексда экспертлик институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва жиноят процессуал фаолиятида экспертлар иштирокининг

аҳамияти янада оширилди. Бу эса жиноят ишларини одилона ва холисона кўриб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик даврида миллий қонунчилигимизда экспертиза фаолиятининг тараққиётига катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, 1995 йил 22 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 234-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг экспертиза хизматини ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Х.Сулаймонова номидаги Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига айлантирилиб, унга республикада суд экспертиза масалалари бўйича илмий-услубий ва мувофиқлаштирувчи идора мақоми берилди. Бу ўзгариш муассасанинг номини Республика суд экспертиза марказига ўзгартириб, 2003 йил 27 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ҳам алоҳида таъкидланган.

2010 йил 1 июнда “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши ҳам ушбу соҳанинг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Экспертлик институтига оид 14 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш доирасида норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди. 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси суд экспертизасини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқлади, 2017 йилда эса Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Экспертларнинг малакасини ошириш учун махсус ўқув маркази яратилди, унда давлат ва нодавлат экспертлари қайта тайёргарликдан ўтказилмоқда. Суд-экспертлик фаолиятининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги қарори нодавлат ташкилотларнинг суд-экспертлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳуқуқий асос яратди. Қарорга мувофиқ 2019-2020 йиллар учун қабул қилинган "Йўл харитаси"даги вазифалар тўлиқ бажарилди. Республика суд экспертизаси маркази янги бинога кўчирилиб, замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар билан таъминланди, янги бўлимлар ташкил этилди, ходимлар штат бирлиги оширилди ва ISO/IEC 17025 стандарти жорий этилди.

Марказ лабораториялари фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, 2020 йилда БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси кўмагида "Тадқиқот ва калибровка лабораториялари ваколатчилигига қўйиладиган

умумий талаблар" ISO/IEC 17025 халқаро стандартига мувофиқ аккредитациядан ўтказилди ва мувофиқлик сертификатига эга бўлди.

Мазкур аккредитация Марказга тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида бажариш имконини беради, бу эса олинган натижаларнинг барча томонлар ва иштирокчилар томонидан тан олиншини таъминлайди. Яъни, ISO 17025 стандарт талаблари бўйича халқаро аккредитациядан ўтиш лабораториялар томонидан берилган тадқиқот натижаларининг (хулосаларнинг) халқаро миқёсда шубҳасиз тан олиншини, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига ва одил судлов таъминланишига хизмат қилади.

Суд-экспертлик фаолиятининг тарихий ривожланиш босқичини инобатга олган ҳолда, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг малакали экспертиза тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, Республика суд экспертизаси марказида бир қатор янги экспертиза турлари жорий этилди. Жумладан, суд-лингвистик, суд-компьютер-техникавий, суд-автомобиль йўллари, суд-электротехника, суд-психологик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг суд экспертизалари каби йўналишларда экспертиза ўтказиш имконияти яратилди. Натижада, Марказда ўтказиладиган экспертиза турлари сони 50 тага, экспертлик мутахассисликлари сони эса 69 тага етказилди.

Бугунги кунда Марказ фаолиятининг кенгайиши ва такомиллашуви натижасида суд экспертлари томонидан сўнгги 3 йил давомида 8 миллиондан ортиқ объект бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, 398 мингдан ортиқ саволлар ҳал этилди ва 97 мингдан ортиқ хулосалар берилди. Бу эса, суд-экспертлик фаолиятининг жинойт процессидаги аҳамиятини ва Марказнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ўрнини янада оширди.

Республика суд экспертизаси маркази халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украинанинг суд экспертиза муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Шунингдек, Туркия, Малайзия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Арманистон суд экспертиза муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик билан бир қаторда, суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сонли “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул

қилинди⁶. Ушбу ҳужжат суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, у экспертизани тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасини расмийлаштириш тартибларини аниқ белгилаб берди. Бу эса, экспертнинг ҳуқуқий мақомини янада оширишга, уларнинг фаолиятини тизимли равишда мувофиқлаштиришга ва суд жараёнларида адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда суд экспертизаси институти узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мустақиллик йилларида бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилди: қонунчилик базаси такомиллаштирилди, экспертларнинг малакаси оширилди, моддий-техник база мустаҳкамланди ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилди.

Суд экспертизаси институтини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Таклифлар:

1. **Экспертларнинг ҳуқуқий мақомини янада ошириш.** Бунинг учун қонунчиликда экспертларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган қўшимча нормаларни киритиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

2. **Экспертларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.** Экспертларни тайёрлашда замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олиш, уларнинг малакасини ошириш учун доимий равишда ўқув курслари ва стажировкалар ташкил этиш лозим.

3. **Суд экспертизасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.** Экспертиза муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар, дастурий таъминот ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш керак.

4. **Ахборот-коммуникация технологияларидан кенгроқ фойдаланиш.** Суд экспертизаси жараёнларини рақамлаштириш, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, масофавий экспертизаларни ўтказиш имкониятларини кенгайтириш лозим.

5. **Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.** Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, қўшма тадқиқотлар ва лойиҳаларни амалга ошириш керак.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сонли “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори <https://lex.uz/uz/docs/6388692>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Законы Ману, глава VII. Интернет манзили: http://ru.wikipedia.org/wiki/Преступления_и_наказания
2. Светоний Г.Т. Жизнь двенадцати цезарей. – Наука,, 1964. Электрон ресурс chrome-extension: vyshgorod.gymworkshop140/work140-mater154-suetonius_zhizn_dvenadcati_cezarey.pdf (мурожаат санаси 23.10 2024 й.)
3. Крылов И. Ф. Судебная экспертиза в уголовном процессе. – Л.: ЛГУ, 1963. – С. 4.
4. Хрестоматия по всеобщей истории государство и право / под ред. К.И. Батыра и Е.В. Поликарповой. Т.1.– М., 1996. – С. 317-318.
5. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. 2020 й.-Тошкент, ТДЮУ. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 6-7.
6. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. 2020 й.-Тошкент, ТДЮУ. 326 б. (24 б.)
7. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Ташкент: Госюрисдат, 1929. – С. 9-12.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Ташкент: Главиздат, 1960. – С. 175.
9. Хусанов М., Жўраев Х. Жиноят процессининг иштирокчилари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 106-107.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сонли “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори <https://lex.uz/uz/docs/6388692>